

“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош муҳандиси
Т.Якубов
“ 3 ” 11 / 2022 йил.

ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШООТИ ҚУРИЛИШИ
ТЕХНИК ШАРТ № 306

Буюртмачи: Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

Иншоотнинг номи: Чирокчи туман “Чилжувут” маҳалласи Яртазар қишлоғида ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

Манзили: Чирокчи туман “Чилжувут” маҳалласи Яртазар қишлоғи

1. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Чилжувут” маҳалласи Яртазар қишлоғи худудида гидрогеологлар хулосасига асосан артезиан қудук қазиш ва тўлиқ жихозлаш, сув минораси, ТП ўрнатиш, бактериоцид биноси қуриш ва жихозлаш, қудук атрофини санитар химоя зонаси билан ўраш ва ичимлик сув тармоқлар тортиш лойихада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага кузатув қудуги қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Иншоотнинг чиқиш қисмига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуқтага ва ҳар бир хонадонга).

II. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойихалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Чирокчи туман сув таъминоти филиалининг техник хулосаси.

ИЧТБ бошлиғи



К.Кўйбоқоров